Ушбу сонда:
2 ФЕРМЕР ЯРАТУВЧИДИР
3 TV дастури
4 *Дзюдо* СИДНЕЙГА ЙЎЛ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 феврал, жума №23 (855)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КЎНГИЛНИ КЎТАРИШ ҲАМ КАТТА ГАП

Самарқанд шаҳрида ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни «Соғлом авлод учун» Халқаро ноҳукумат жамғармаси Туркиянинг «Чагламан ЛтД» компанияси билан ҳамкорликда уюштирди.

Тадбир меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар учун ҳақиқий байрамга айланди.

Байрам давомида «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Гулнора Йўлдошева ва Туркия компанияси президенти Фуат Ем тўртта меҳрибонлик уйи ва битта интернатни бориб кўриб, болаларга кийим-кечак ва ширинликлар ҳадя қилди.

Бир-биримизга ғамхўрлик қилиш ҳеч қачон ҳеч қайсимизнинг эсимиздан чиқмаса бўлгани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида баён этилган сиёсий, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги устувор йўналишларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш мақсадида:

1. Соҳалар бўйича тадбирлар дастурини тайёрлайдиган ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳлари тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш жараёнига давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар ходимларини, олимлар, мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсинлар.

3. Ишчи гуруҳларининг олдига асосий мақсад қилиб қуйидаги масалалар қўйилсин:

а/ Ҳар бир ишчи гуруҳи халқаро нормалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолият соҳасидаислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини танқидий жиҳатдан таҳлил этсин ва уларга ўзгаришлар киритиш мақсадида таклифлар тайёрласин.

Шу билан бирга биринчи навбатда қабул қилиниши лозим бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар рўйхатини тайёрласин.

Қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни амалга оширишнинг таъсирчан назоратини таъминлайдиган механизмларни такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилсин.

б/ Ҳар бир ишчи гуруҳи зиммасига бириктилган соҳа ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни инобатга олган ҳолда, яъни, сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт соҳасида, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида демократик жараёнларни янада ривожлантириш мақсадида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича таклифлар ва амалий чора-тадбирлар мажмуини тайёрласин.

4. Ишчи гуруҳларига икки ой муддатда тадбирлар дастурини Республика Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 10 феврал

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши бугун, 11 феврал куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

«БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ» - ТУРК ТИЛИДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» тамойиллари, халқаро аҳвол ва хавфсизлик масалаларига бағишланган асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом Каримовнинг юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ва мамлакатимизнинг буюк келажаги бунёдкорларини тарбиялашга қаратилган таълим ислоҳотларига бағишланган фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган «Баркамол авлод орзуси» китоби турк тилида босмадан чиқди. Китоб юртимизда фаолият юритаётган ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги томонидан Туркиянинг Истанбул шаҳрида нашр этилди.

Мазкур китобда Юртбошимизнинг мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги фикрлари жамланган.

Китобнинг «Аждодлар орзуси», «Мустақиллик - орзулар рўёби», «Орзуга эришмоқ йўли», «Баркамол авлод ёхуд «Портлаш эффекти» нима?» деб номланган бўлимларида Йўлбошчимизнинг маърифат ва ёшлар тарбияси, янги таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, босқич ва шакллари хусусидаги теран мулоҳазалари баён этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.

- Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси ХХ1 асрга Ислом Каримовдек кучли раҳбар билан қадам қўймоқда,- дейилади китобнинг турк тилидаги нашри сўзбошисида. - У Ўзбекистоннинг сиёсий келажагида ўзига хос порлоқ бир шаклда намоён бўлди. Илтифотли, лекин ўз фикрида собит, ҳозиржавоб ва билимдон, ўз қарашларини атрофидагиларга ҳар доим исботлашга тайёр сардор сифатида дунёнинг машҳур сиёсатчилари сафидан жой олди.

Ислом Каримов 2000 йилнинг бошларида ўтказилган Президент сайловларидаги катта муваффақияти билан Ўзбекистон халқи ишончини қозонган инсон эканлигини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон ҳукумати унинг раҳбарлигида жамиятнинг тубдан ўзгаришини ва янгиланишини таъминлайдиган кўп тармоқли ислоҳотларни давом эттирмоқда. Шубҳа йўқки, бу ислоҳотларда таълим соҳасидаги ўзгартиришлар ҳам катта ўрин тутади, деб таъкидланади сўзбошида.

(ЎзА)

«ЗАРАФШОН-НЬЮМОНТ»: 50 ТОННА ОЛТИН ТАЙЁР

50-йилларда Қизилқум чўлида дунёдаги йирик ҳавзалардан бири ҳисобланган Мурунтов конидан олтин қазиб олиш бошланди. Лекин у вақтлардаги технология рудадаги мавжуд олтиннинг ҳаммасини ажратиб олишга ожизлик қилар, таркибида ҳали анчагина бойлик ётган уюм-уюм тупроқ бир чеккага чиқариб ташланарди...

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йил бошида, АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси билан ана шу рудани қайта ишловчи қўшма корхона тузишга келишиб олинди. 1995 йилнинг майида «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси ишга тушди. У биринчи йили рудадан 1 тонна олтин олиш қувватига эга эди. 1999 йилда бу кўрсаткич 16 тоннага етказилди. Ўтган йилнинг октябр ойида эса корхона фаолият бошлаганидан буён ишлаб чиқарилган жами олтин миқдори 50 тоннага етди. Шу муносабат билан Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият уйида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Валерий Отаев бу ерга тўпланган меҳмонлар ва қўшма корхона ишчиларига мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

Йиғилишда сўзга чиққан Давлат геология қўмитаси раиси Н.Аҳмедов, «Ньюмонт майнинг» компанияси директорлар кенгаши раиси ва бош ижрочи директори Р.Кэмбри, Навоий кон-металлургия комбинати директори, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бошқаруви раиси Н.Кучерский, мазкур қўшма корхона бош директори Г.Никсон ва бошқалар эришилган муваффақият икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб, тобора кўпроқ самара бераётганидан далолат эканлигини қайд этди. Таъкидлаш жоизки, «Зарафшон-Ньюмонт» МДҲ мамлакатлари орасида тижорий йўл билан олтин ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир. Бу ерда энг замонавий технология асосида иш юритилади. Шу боис мазкур корхонада ишлаб чиқарилган олтиннинг таннархи нисбатан анча паст.

(ЎзА)

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

11 феврал - Эрон Ислом Республикаси миллий байрами. Шу муносабат билан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонасида журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

- 1979 йилнинг 11 февралида Эронда юз берган инқилоб мамлакат халқи ҳаётида туб бурилиш ясади, - деди Эроннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Нарокиён. - Эрон халқи, инқилобдан сўнг кўплаб қийинчиликларни бошдан кечирган бўлса-да, мамлакат қисқа вақтда ўзини ўнглаб олди.

Элчи Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирар экан, икки халқ ўртасида қадимдан яқин ҳамкорлик алоқалари мавжуд эканлигини қайд этди. Юртингиз истиқлолга эришгандан сўнг бундай алоқалар ўзининг янги босқичини бошлаб берди, деди у. Ҳозир давлатларимиз ўртасида барча соҳаларда тенг ва манфаатли алоқа ўрнатилган.

(ЎзА)

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида «Миллий мафкура концепциясини шакллантириш» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев йиғилишда сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг маърузасида халқимизнинг орзу-истаклари ва миллий ғояни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилганини, миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини оммага, айниқса, ёшлар тафаккурига сингдириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Семинарда жамиятимиз тараққиётини белгилайдиган асосий омилларнинг моҳияти, инсоният маънавий ҳаётига, илм-фанга юксак ҳисса қўшаётган миллий фалсафамиз жаҳон фалсафаси билан уйғун ҳолда кишиларда эзгулик туйғусини тарбиялашга хизмат қилаётганига эътибор қаратилди. Бугунги кунда олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар, мактабларда ўқитиладиган жамиятшунослик фани дастур ва дарсликларини миллий ғоямиз асосий концепцияларига мувофиқ тарзда янада такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, Ватан корига яраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ёшларимиз ҳам иймон-эътиқодли, баркамол, бурч-масъулиятини чуқур ҳис этувчи инсонлар бўлиб вояга етишлари лозим. Боз устига уларни «Ҳизбут-т-таҳрир» каби ярамас оқимлар таъсирига берилмасликлари учун илм масканларида, маҳаллаларда тарғибот ишларини изчил олиб бориш талаб этилади. Бу борада Тошкент шаҳридаги 143-мактабда ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Суратда: меҳнат фахрийси, маҳалла фаоли Анвар Юсупов ўқувчиларга диний экстремизм ва ақидапарастликнинг зарари хусусида тушунча бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

• «Ишонч» бонг уради

УЧҚЎРҒОНДА ИШ НЕГА ОРҚАГА КЕТДИ?

Давлатимиз раҳбари Наманган вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда вилоятдаги ютуқларни эътироф этган ҳолда ҳали ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини уқтириб ўтган эди. Буни Учқўрғон тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Азим Сирдарё асли Норин номи билан қўшни Қирғизистоннинг қорли тоғларидан бошланиб, дастлаб Учқўрғон тумани далаларини суғоради. Кейин Нориндаги Чўжа қишлоғидан ўтиб, Андижон вилоятининг Кампиравот сув омборидан оқиб келувчи Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади. Худди шу ердан Наманган тумани бошланади. Мазкур туман деҳқонлари бултур ҳатто республикада биринчилардан бўлиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этган эдилар. Ҳосилдорлик гектарига 36 центнерни ташкил этди. Учқўрғон туманида (ҳокими Б.Охунов) эса икки йилдирки, режа бой берилмоқда. Табиий савол: нима сабабдан бир дарёдан сув ичадиган икки туманда икки хил натижага эришиляпти? Бунга деҳқонлар, мутахассислар, фермерларнинг ўзларидан жавоб топиш учун хўжаликларда бўлдик.

«Учқўрғон» қишлоқ хўжалик корхонасидамиз. Яхши эслайман, бир вақтлар шу хўжаликка бир гуруҳ журналистлар билан ташриф буюриб, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш борасидаги тажрибалар хусусида туркум мақолалар тайёрлагандик. Таажжубки, орадан анча вақт ўтиб, хўжаликда ташаббуслар, деҳқонларда иштиёқ сўнибди...

— Кўпчилигимиз бозор шароитида ишлашга ўзимизни тайёрлай олмаганлигимиз, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган кишиларда омилкорлик, қатъиятлик, ерга эгалик ҳисси етарли даражада эмаслиги қимматга тушди, - дея очиқ эътироф этди хўжалик раҳбари муовини Одилжон Исматуллаев. - Гектаридан бор-йўғи 20 центнердан пахта ҳосили олинганлиги кўпчиликни бағоят ажаблантиргани ҳам табиий. Чунки, яхши ишлаб, юқори кўрсаткичга эришиш учун барча имконият мавжуд.

Тўғри, фақат гап масъулиятни ҳис қилишда, виждонан ишлашда қолган. Масалан, кучли ёғингарчилик сабабли далага қайта чигит қадаган Ғайбулла Аҳмедов, Мусахўжа Зокиров каби бригада бошлиқлари ишни моҳирона ташкил этиб, ўғитдан, техникадан унумли фойдаландилар. Инсон омилига эътибор унутилмади. Сидқидилдан тер тўкканларни моддий ва маънавий рағбатлантириш намунали олиб борилди. Шу боис, бу икки бригадада ҳосилдорлик гектарига қарийб 33 центнерни ташкил этди, режа зиёдаси билан бажарилди. Бахтга қарши 21 та бригадада деҳқонлари эса ер чизиб қолдилар.

Таҳлил шуни кўрсатдики, туман ҳокимлиги, мутасадди идоралар кадрларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юбордилар. Кўп жойларда шудгор сифатли ўтказилмади, муддати чўзиб юборилди. Ҳатто баъзи жамоалар ер текислашни ёлчитиб бажаришмади. Бу муайян майдонларни йил давомида оби ҳаётга қондиришда тўсиқ бўлди. Меҳнат етарли даражада кадрланмаганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланмаганлиги натижасида қўл учида ишлайдиганлар кўпайди. Ариқ-зовурлар кўнгилдагидек тозаланмади, ҳаттоки, етарли миқдорда маҳаллий ўғит компас қилинмади. Бу гапларни «Янгиобод», «Мустақилликнинг етти йиллиги» жамоа хўжаликлари раҳбару мутахассислари шаънига ҳам айтиш мумкин. Яна бир нарсага ажабландик: бир вақтлар пахтачиликка комплекс механизацияни жорий этишда намуна бўлган туманда бултур бир тонна ҳам пахта зангори кемаларда терилмади. Шу боис, йиғим-терим мавсуми чўзилиб, маҳсулот таннархи қимматлашиб кетди.

Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда раҳбар омилкор, узоқни кўра биладиган, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган, одамларни ортидан эргаштириб, иқтисодиётни юксалтира оладиган бўлиши керак. Акс ҳолда, мақсадга эришиб бўлмайди. «Қайқиобод», «Ўзбекистон», Улуғбек номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари етакчилари ана шу фазилатларни намоён қила олдилар. Бироқ, бошқа хўжаликларда палапартишлик, ўзибўларчилик ҳукм сурди, ҳосилдорлик пахтачиликда 19-20 центнердан нарига ўтмади. Оқибат-натижада 1999 йилда туманда давлатга пахта топшириш режаси 85 фоизда қолиб кетди. Ҳосилдорлик гектарига режадаги 32,9 центнер ўрнига 27,1 центнер бўлди. Хўжаликлар қарзга ботди, деҳқон орзуси ушалмади.

Иш орқага кетишининг асосий сабабларидан яна бири ижро интизомининг сустлигидир. Техникани экин-тикин мавсумига тайёрлаш, ерга барака уруғи қадаш, қатор ораларига ишлов беришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Ҳосил кечки бўлиб қолди. Бўлмасам, баҳонага сира ўрин йўқ. Мутахассисларнинг таъкидлашича, туманда ҳар гектар ерга 214 килодан соф азот, 99 килодан фосфор, 36 килодан калий ўғити сарфланган. Бу биз ибрат қилиб кўрсатаётган Наманган тумани кўрсаткичидан яхшидир. Аммо, таъкидлаганидек, ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришда нўноқлик қилиняпти. Кўпгина хўжаликларнинг касаба уюшма қўмиталари муросасозлик йўлини тутишган. Дала шийпонларида қулай шарт-шароит яратиш, иш ҳақини ўз вақтида бериш, маданий-маиший тадбирларни ўтказишдаги ўзибўларчилик, бирёқламаликни кўра-била туриб, улар бонг уришмади.

Туманда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам аҳвол яхшимас. Ғалла етиштириш йиллик кўрсаткичи 90 фоиз ҳам бўлмаганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Боиси, хўжаликларнинг ери унумдор, сув, техника ва бошқа имкониятлар етарли. Гап фақат меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланишда қолган. Бу эса мутасаддилардан билим, тажриба, изланиш ва ташаббускорликни талаб этади.

Учқўрғонликлар чорвачилигимиз яхши деб, мақтанишолмайди. Сўнгги йилларда Улуғбек номли, «Андижон» хўжаликлари ҳамда «Хожиакбар» хусусий фермасида қорамоллар бош сони камайтириб юборилди. «Учқўрғон» қишлоқ хўжалик корхонасида гўштга топширилган қорамолнинг ўртача тирик вазни 190 килони ташкил этганлигини қандай изоҳласа бўлади? Қишловга пухта тайёргарлик кўрилмаган. Аввалги йилларга нисбатан 2842 тонна сенаж кам бостирилган. Озуқа етарли бўлмаганидан кейин маҳсулдорлик ҳақида гапириш ортиқча.

Кўриниб турибдики, туманда кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, меҳнаткаш меҳнатини қадрлаш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, шу тариқа ташаббусларга кенг йўл очиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шундагина қолоқликка чек қўйиб, ишда туб бурилишга эришиш мумкин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕР ЯРАТУВЧИДИР

Биз — хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ.

СУЯНЧИМ — ТАШАББУС!

Ёши бир жойга борганда унга мансаб курсисини таклиф қилишди. Аммо унамади. Тўғриси ёшларга ғов бўлишни истамади. Лавозимни қуллуқ қилиб топширди. Аммо уйда бекор ҳам ётмади. Енг шимариб чўл қўйнида боғ яратишга киришиб кетди.

Касаба уюшма фахрийси Сувон Ҳакимовни учратиб бизга ҳамроҳлик қилишини сўрадик. Муддаомизни эшитгач, у ўйга толди. Ниҳоят, унинг чехраси ёришиб. «Бизни у ерга фақат Ҳайитбойнинг «УАЗИ»ги элитиши мумкин. Йўл чатоқроқ», деди.

Учавлон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаров макон тутган Мирзаобод туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмаси томон йўлга тушдик. Хўжалик чўлнинг белида.

— Эргашвой шу хўжаликни ўн беш йил бошқарди, — дейди Сувон ака. — Мен касабақўмман. Бир куни ҳузурига чақириб қолди. Катта хонада бир ўзи бош қашиб ўтирибди. Сувон жўра бир боғ барпо этсак, деб қолди. Ўйлаб қарасам уй, дўкон қурибмизу, бир туп дарахт ўтқазишнинг эвини қилмабмизда. Тўғри, хўжалик бақувват, одамлар тўқ. Аммо улар мевачева учун 40-50 километр олисдаги бозорга югуришади. Разм солсам бирорта ҳовлининг соясида баҳра оладиган дарахт йўқ. Балки шўр панд бераётгандир. Келинг, бир кўркам боғ яратайлик — биздан қоладигани шу.

Лекин пахта яккахокимлиги даврида бу иш осон бўлмади. Ер ажратилишига рухсат олиш учун раис роса елиб-югурди. Охири рухсат олди. Бахмал ва Фарғона водийсидан кўчат келтирди. Ҳар йили оз-оздан, 58 гектар ерда боғ, 2 гектарда узумзор барпо этди. Бугун одамлар ундан баҳра олишаяпти. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керакда.

Гап билан бўлиб Эргаш Умаров даласига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Дала ўртасидаги бетон ариқ ёнида ғиштин уй қад ростлаган. Мўъжаз боғни оралаймиз. Эргаш акани дарахтларга шакл бераётган чоғда учратдик.

— Бекорчилик, — дейди у. — Бу йил мевали дарахтнинг юздан ортиқ хили нишона кўрсатади.

Бир зум ўйланиб турган чеккароқдаги дарахтлар қаторига бошлади.

— Буни Бахмалдан олиб келиб ўтқазганман. Бодом, ҳадемай гулга киради. Куртаклари бўртиб турибди. Шулар билан овунаман. Улар улғайган сари кўнглим ҳам кўтарилаверади.

Даладаги уйга тикилганимизни сезди чоғи Эргаш ака изоҳ бера бошлади.

— Далага ўрганганмиз. Марказий қўрғонда ҳам уй бор. Қишни оиламиз билан шу ерда қаршилашга қарор қилдик. Деҳқон далага қатнаб ишласа барака камайди, деяверинг.

Анчадан буён дилимизда турган савол тилимизга кўчди. Ахир қишлоқ атрофида ер кўпку. Бу узоқ манзилга, овлоқ ерга хожат бормикан?

— Бу ерни танлашдан бир неча мақсадни кўзлаганман, — дейди Эргаш ака. — Энг аввало, саҳро ҳудуди бўлса ҳам энг баҳаво жой. Ер бир оз чарчаган. Ҳозир анча эпақага келиб қолди...

Ушбу фермер хўжалигида 30 нафар киши меҳнат қилади. Ҳаммаси сер фарзанд оилалар. Уларнинг иссиқ-совуғи, турмуш муаммолари, хуллас, барча ташвишлари ҳақида қайғуриш раис зиммасида. Ҳар бир оилага бир йилда қанча ун, сабзавот маҳсулотлари керак бўлса пухта ҳисоб-китоб қилиниб, бир йилликка етадиган қилиб олиб берилган. Ойлик маош вақтида бериб борилади. 30 кишининг бутун фикри ёди 300 гектар ернинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Икки маҳал бепул иссиқ овқат, йил 12 ой бор. Фермер хўжалигида тўртта чопиқ трактори, иккита культиватор, битта ер ҳайдаш, битта транспорт трактори мавжуд. Бош ҳисобчи хизмат «УАЗИ»гида юради. Раис пиёда. 1998 йил 500 минг сўм соф даромад олишганди. Ўтган йилги натижа эса тўрт баробар кўп. Аммо ҳали хўжалик ҳисобига топширилган пахта пули келиб тушганича йўқ экан. Шу маблағнинг бир қисмига чорва моллари харид қилиш режалаштирилмоқда. Яйлов сероб. Бийдек далалар кўп. Уч гектарлик боғ яратилган. Уни парваришлашни раис ўз зиммасига олган. Далада барча агротехник тадбирлар алақачон уддалаб бўлинган. Ерлар шўри ювилиб, ишчиларга таътил берилган.

— Битта механизаторнинг ўртача иш ҳақи неча сўмни ташкил этади?

— Биз ҳақ тўлашни ишбай асосида олиб борамиз. Қанча кўп, сифатли иш бажарса даромад ҳам шунга яраша бўлади. Ойига 20-30 минг сўмдан олаётганлари ҳам бор.

Эргаш ака ўз режалари, хўжалик ютуғи ва нуқсонлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ерни ку тизгинлаб олибди, аммо ишда ҳали тушунмовчиликлар бор. Ҳаммаси аста-секин изга тушаяпти. Лекин деҳқон ўзи топширган пахтаси эвазига ёғ, кунжара, шелухани эмин-эркин ололганича йўқ.

— Юртбошимиз Сирдарёда сайловолди учрашувида бир адолатли гапни айтдилар. Деҳқончиликдаги оқсашлар, қолоқлик илдизи ислаҳмасликда, жонкуярлик етишмаганида. Ҳақ гап. Бизда хўжалик номи жамоа хўжалиги, ширкат, уюшма бўлсада, эскича иш услуби тўла сақланиб қолгани рост. Мени бир нарса кўп ташвишга солади. Бир мисол мана мен фермерман, ер, одамлар, техника, хуллас, ҳаммаси учун жавобгарман. Хўжалик раҳбари-чи? Унда мутлақо масъулият йўқдек, назаримда. Ишни эплай олмадими, силлиқкина битта ариза билан бўшаб кетаверади. Ахир, бундай масъулиятсизлик умумхалқ мулкининг талон-тарож қилинишига олиб келмайдими, ердан унумли фойдаланишга тўсиқ бўлмайдими? Кўпгина раҳбарларнинг халққа маош беролмаяпман-да, дея куйиниб юрганини учратиш қийин. Гўёки қўлларини кимдир ушлаб тургандек. Бирор ишни мустақил ҳал этишолмайди. Бу иш услуби билан одамларни эзгу ишларга эргаштириб бўладими?

Юртбошимизнинг Олий Мажлис биринчи сессияси минбаридан депутатларга қарата: «Ҳар бирингиз лоақал бир фермерга қўл-қанот бўлинглар!» дея этган мурожаатлари бизнинг бошлаган ишимизга ишончимизни янада ошириб юборди. Шундан сўнг ўз олдимга қатъий мақсад белгилаб олдим. 1999 йил даромадидан ўз аъзоларим турмушини ўнглашга икки ҳисса кўп маблағ ажратамиз.

Серташвиш бу одам сира тиниб-тинчимайди. Тўғри, у илгариги обрўэътибори, шухрати эвазига бемалол кўкрак кериб яшаши мумкин эди. Бироқ буни ўзига эп кўрмади. Ёши 60 дан ошса-да, эзгу орзулар билан яшамоқда. Қўлига кетмон олиб, ўз ўрнини далада деб билганининг ўзи бир жасоратдир.

«Умар ота» фермер хўжалигидан қайтар эканмиз, изланиш, интилишдан ҳоримаган Эргаш Умаровдек юртдошларимиздан қанча фахрифтихор туйсак озлигига иймон келтирдик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

МАҲСУЛОТНИ ЎЗИМИЗ ҚАЙТА ИШЛАЙМИЗ

Эргаш ИСМАТОВ,
фермер, Қарши тумани.

Фермер мулкдорлар синфининг истиқболли вакили эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилдим. Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман, қўлидан иш келадиган, деҳқончилик, чорвачилик сирларини яхши эгаллаган киши, мутахассис ишончни оқлай олади. Қўлига кетмон ушламаган, умрида бир дона дарахт парваришламаган кимса ишни барбод қилади. Демоқчиманки, ерни унинг ҳақиқий эгасига топшириш керак.

Деҳқон фарзанди бўлсам-да, мустақил иш бошлаганимда ўзим ҳам, оила аъзоларим ҳам ҳаяжонландик. Уста деҳқонлар билан қайта-қайта маслаҳатлашдик. Ҳар қарич ерни имкон қадар эъзозладик. Шукурки, юзимиз ёруғ бўлди. Энди ўзимни ҳақиқий фермер деб айта оламан. Бултур 10 гектар ерда пахта етиштирдик. Ҳосилдорлик кутилганидан 6 центнер юқори бўлди. 42 тонна сифатли хом ашё топширдик. Ғаллачиликда ер шароитимиз бир мунча оғир бўлса-да, ҳосилдорликни 40 центнердан оширдик. Шу йиллар мобайнида ҳукуматимизнинг катта ёрдамини ҳис қилдим. Ўз миннатдорчилигимни яхши бир ташаббус билан билдиришга бел боғладим. Чорвачиликка асос солдик. 50 бош зотдор қорамолни меҳр билан парваришладик. Ўтган йили деҳқончилик маҳсулотлари билан бир қаторда истеъмолчиларга 2 тонна гўшт, 10 тоннадан ортиқ сут етказиб берилди. Фермер бойиса, кўпга нафи тегади. Қишлоқларимизни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирларига маблағ ажратяпмиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, биз фермерлар неъмат етиштиришни йил сайин кўпайтираверамиз.

Яккабоғ туманидаги «Янгиобод» қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Ибодулла Боботов нафақага чиққач, «Оқтом» фермер хўжалигини ташкил этди. 74 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган тадбиркорлар мўл маҳсулот етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Отахонга ўғли Аҳмаджон Боботов яқиндан кўмак бериб келаётир. Яқинда улар «Янгиобод» қишлоғи марказида икки қаватли савдо дўкони қуришди. Дўкон ёнида сартарошхона, савдо расталари ҳам қад ростлади.

— Қурилишлар учун ёғоч ўзимиздан чиқадиган бўлди, - дейди Ибодулла ота. - Бундан беш-олти йил илгари экилган тераклар тайёр ёғоч ҳолига келди. Энди ундан бемалол фойдаланаверамиз.

Отахон яратган мевали боғ ҳам ҳосилга кирди. Фермер хўжалигида қурилиш учун зарур бўлган албастр ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

***Суратда:* меҳнат фахрийси Ибодулла Боботов дарахтларга шакл бермоқда.**

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.

УЛЖАМОЛ БАХТИ

«Кунчиқиш» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларидан юз нафари туман ҳокими ҳузурига келиб, - Биз Улжамол Эрбўтаевада ишлаймиз деб, туриб олишди. Сабабини сўрашганда улар: - у бошчилик қилаётган «Баҳодир» фермер хўжалигида, меҳнатга яраша рағбат бор, дейишди.

- 1997 йилда хўжалик тасарруфидаги фермер эдик, дейди Улжамол опа ўшанда 27 гектар пахта майдонидан 111 тонна оқ олтин саранжонлаб олган эдик. 10 гектар бедазордан эса 160 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак-да, меҳнатга яраша ҳақ олмадик. Бунинг устига собиқ раис Соат Тўхтамишев ишимизга кўп тўсқинлик қилди. Шу боис ишдан кўнглимизни узиб қўйгандик.

Йил охирида Улжамол опа, «Бунақаси кетмайди. Янги йилдан бошлаб мустақил фермер хўжалиги бўламиз», деб туриб олди. Кўп оворагарчиликдан сўнг фермер хўжалиги ташкил этилди. Эндиликда мавжуд 54 гектар майдонда деҳқончилик қилинаяпти.

Фермер хўжалигининг дала шийпонида унумли меҳнатдан сўнг маданий дам олиш учун қулай шароитлар яратилган. Икки йилдирки, уларга омад кулиб боқаяпти. Ҳосилдорлик яхши. Ўтган йилни 2 миллион сўмга яқин соф фойда билан якунлашди. Жамоа шартномасига асосан тушликда ишчиларга бепул иссиқ овқат берилаяпти. 150 минг сўмлик газета ва журналларга фермер хўжалиги ҳисобидан обуна уюштирилди. Дала шийпонидаги мебеллар, радио, телевизор, шахмат-шашка хуллас барча жиҳозлар соф фойда ҳисобидан олинган. Ишчиларга ҳар байрамда эҳтиёжга қараб гўшт, гуруч, ўсимлик ёғи бепул тарқатилади. - 10 нафар хотин-қизлар вилоятдаги «Сурхон» сиҳатгоҳида бепул даволанишди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

БИЗНИНГ БОЙИГАНИМИЗ - ЮРТ БОЙИГАНИ

Саида ЭШМУРОДОВА,
Узун туманидаги «Камол» фермер хўжалиги раҳбари.

Яхши эслайман, собиқ шўро даврида одамлар тузукроқ уй қуриш, машина сотиб олишга қўрқарди. Ажабланарлиси шуки, ҳатто ҳалол меҳнат туфайли бойиган киши ҳам шубҳа остига олинарди. Ҳа, биз узоқ вақт мобайнида мулкдор бўлишдан, давлат орттиришдан чўчиб яшадик. Биримиз икки бўлмади, қишлоқларимиз қашшоқлигича қолди.

Мустақиллик йилларида ўн йилликларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Меҳрибон Президентимиз тадбиркорни, элим деб, юртим деб ташаббус кўрсатиб ишлаётган кишини қўллаб-қувватлаши, лозим бўлганида уни ҳимоя қилиши биз каби фермерларга қанот бағишлади. Оила аъзоларим билан «Боботоғ» ҳиссадорлик жамиятининг ночор аҳволга келиб қолган чорва фермасини хусусийлаштириб олдик. Туман ҳокимининг қарори билан ихтиёримизга 50 гектар суғориладиган ҳамда Тўнглисой яйловларидан 200 гектар лалми ер ажратилди. Мулкдор бўлиш қанчалар яхши. Ўзимизникида, жонимиз ачийди. Пировард натижа учун барча ўзини масъул деб билади. Шу боис, биринчи йилиёқ катта бойлигимиз бўлган майдонларга маккажўхори, буғдой, беда, кунжут экдик. Вақти келса кеча-ю кундуз тиним билмадик. 1998 йилда саъй-ҳаракат самарасини берди. Мўмай даромад олдик. Шунинг ҳисобидан 250 бош наслдор қорамолли бўлдик. Давлатга бултур 209 тонна сут, 180 тоннадан ортиқ гўшт топширдик.

Кайфият яхши бўлса, меҳнат қадрланса, моддий манфаатдорлик таъминланса, фермер янги-янги марраларни кўзлайверади. Биз ҳам ўз маҳсулотимизни ўзимиз қайта ишлашга киришдик. Исроил технологияси асосида харидоргир неъматлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалиги қошида сартарошхона, этикдўзлик, бичиш-тикиш цехи ишлаб турибди. Хайрия тадбирларида баҳоли қудрат иштирок этяпмиз. Масалан, 15 та кам таъминланган оилага 5 минг сўмдан мадад кўрсатилди. Қувончлиси шуки, «Ташаббус'98» кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаб, трактор совринини қўлга киритдик. Айни кунларда қайта ишлаш саноатини янада кенгайтириш режалари устида бош қотираяпмиз.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ЎЗ ОЁҒИГА БОЛТА УРАЁТГАНЛАР

Мамлакатимизда инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган наркотик моддалар олинадиган экинларни экиш қатъиян ман қилинган. Лекин улар Покистон ва Афғонистонда кўплаб етиштирилмоқда.Заҳри қотил моддалар билан савдо қилувчи кишиларнинг кўпчилиги ҳам чет эл фуқароларидир.

Мухбиримизнинг Хоразм вилояти ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандликни даволаш бош шифокори Бекпўлат НУРМЕТОВ билан суҳбати шу иллатларнинг зарарли оқибатлари ҳақидадир.

— Инсон соғлиғига қандай зарар келтиришини билиб-билмай чекади, спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилади...

Бу уччала ҳолатни ўз оёғига ўзи болта уриш, деб баҳолаш мумкин.Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш туфайли ҳамдўстлик давлатларида шахсий тадбиркорликка кенг йўл очилди.- Бундай имкониятдан айрим кишилар ғайриқонуний йўллар билан фойдаланишга уринмоқдалар. Бунинг натижасида, айниқса, ёшлар ўртасида аср вабоси—гиёҳвандлик ҳолатлари учраб турибди. Илгарилари гиёҳванд моддалар кўкнор, кандир сингари ўсимликлардан табиий ҳолатда олинганлиги учун инсон соғлигига аста-секин таъсир қиларди. Ҳозир наркотиклар орасида кўпроқ истеъмол қилинаётган героин эса истеъмолчиларнинг умрини кескин қисқартириб юборишга олиб келмоқда.Чунки бу модда заҳарли кимёвий препаратлар аралашмаси бўлиб, халқ орасида «оқ ажал» деб юритилади. Чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳам инсон ҳаётига зомин бўлаётган иллатлардандир. Спиртли ичимликлар ичиб, рулга ўтириш сабабли вилоятда ҳар йили юзлаб кишиларнинг ёстиғи қуримоқда.

Ҳам ичувчи, ҳам чекувчи, ҳам наркотик моддалар истеъмол қилувчи одамни шартли равишда ўлган одам, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки улар орасида ўпка, ошқозон раки, миакард инфаркти, руҳий ва бошқа касалликлар кўпайиб бормоқда.

— Бу иллатларни даволаш самараси қандай?

— Дастлабки даврларда даволаш мумкин. Вақт ўтгандан кейин фойдаси йўқ. Аввалам-бор, беморнинг ўзида шифоланишга ишонч, ҳаракат бўлиши керак. Ёшларни бу дардга гирифтор бўлишига биринчидан, ота-она сабабчи бўлади. Шундай бир оилани биламан. Отаси банги (наркоман), фарзандларининг барчаси-уч ўғил, бир қиз — гиёҳванд. Улар бу иллатни отасидан юқтириб олишган. Отаси ва бир ўғли шу иллат касридан вафот қилишди. Бизнингча, ёшларни бундай касалликка гирифтор бўлишида мактаб, маҳалла-кўй, участка нозирлари, кенг жамоатчилик ҳам айбдордир.

Касаллик бошланаётган одам ичса, чекса кайфияти кўтарилгандек бўлади.Кейинчалик муттасил ичишга ва чекишга кўникиб қолади.Бу эса охир-оқибат касалликка айланади.Айниқса, ҳозир бозорларда сотилаётган қўлбола ароқлар, сигаретлар инсон саломатлигига жиддий хавф солмоқда.Умуман, бу борада қуруқ гап билан иш битмайди.

Мен беморлар билан суҳбатлашганимда:«Сен сиртмоқдасан, ўзингни қўлга ола олсанг, шу сиртмоқдан чиқасан. Биз сенга ёрдам қиламиз.Акс ҳолда, шу сиртмоқ сени ё турмага, ё ўлимга элтади», — деб дангал айтаман.Эс-ҳуши ўзида беморлар бу гапдан ўйланиб қоладилар. Шифохонамиздаги қатъий тартиб ва шифокорларимизнинг жонкуярлиги туфайли бу ерга ётқизилган беморларнинг кўпчилиги соғайиб кетишади. Шунга қарамай, бу одамлар диспансеримиз кузатувида. Беш йил ичида аввалги хатоларини такрорламаса, у батамом соғайиб кетиши мумкин.

Бундай беморларни соғайишига тўсқинлик қиладиган яна бир ҳолат бор.Буни йўқотмагунча биз бу борада муваффақиятга эриша олмаймиз. Бу шундан иборатки, заҳри қотилни ҳамкорликда истеъмол қиладиган «тўда» мавжуд. Бу гуруҳ ўз «аъзо»сини осонликча «ора»дан чиқариб юбормайди. Шифохонадан даволаниб чиққач, уни қайтадан тўдага қўшиш учун уринишади. Уларга қўшилмаган беморгина бу дарддан тўла халос бўлади.

Агар гиёҳванд ёки кашанда иродасини мустаҳкамлаб, ўзини меҳнат билан чалғитса, кунданкунга бу дарддан фориғ бўла бошлайди.

Диспансеримиз 50 ўринли. Бундан ташқари, ҳар бир туман поликлиникаларида нарколог—шифокорларимиз ишлаб турибди. Боғот туманида 50 ўринли мажбурий даволаш шифохонасини ташкил қиляпмиз. Шифохонада анча оғирроқ дардга чалинган беморларни даволашни фойдали меҳнат билан қўшиб олиб борамиз.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

14 - 20 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 14

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба,14 феврал куни "Ўзбекистон-1" телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 15.00 гача ЎзТВ-IV "Халқаро" телеканали орқали намойиш этилади.

15.00 "Бешбармоқ". Тележурнал.
15.25 "Шарқнинг машҳур аёллари".
15.45 "Футбол майдонларида".
16.00 "Нодир шахс". Бадиий фильм.
17.20 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал.
18.20 "ТВ патруль".
18.30 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Иқтисод ва биз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим — истиқболим".
21.20 "Қўшиққа кўчган сатрлар".
21.35 Баҳодир Йўлдошев театри: Саид Аҳмад. "Келинлар қўзғолони"...

Мурод Раҳмон.
22.10 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
22.35 "Маънавият" дастури.
23.25 "Ахборот".
23.55 "Соқов ва муҳаббат". Бадиий фильм.
1.30-01.35 Ватан тимсоллари.

9.00 "Давр" ҳафта ичида.
9.40 "Ёшлар" телеканалида.
9.45 "Янги авлод" почтаси: "Ким эпчил-у? ким чаққон?"
10.20 "Мусиқий лаҳзалар".
10.30 "Олам футболи".
10.55 "Аср қиёфаси".
11.15 "Муҳаббат қаҳваси".
12.35 "Олтин мерос".
12.50 Баҳодир Йўлдошев театри: Саид Аҳмад. "Келинлар қўзғолони".
15.05 "Аскар мактублари".
15.30 "Ёшлар" телеканалида "Спорт-2000".
16.25 "Мусиқий лаҳзалар".
16.30 "Синфдош".
16.50 "Ёшлар" телеканалида "Спорт-2000".
17.45 "Мусиқий лаҳзалар".
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Кичкинтой театри", мультгомоша)
18.35 "Эски альбомдан".
18.40 "Жараён".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Қалбимдаги Бобур". Қозоқбой Йўлдошев.
19.40 "Буюк юрт фарзандиман".
19.50 "Ёшлик баёзи".
19.55 "Дастхат". Илҳом Иброҳимов.
20.15 "Олтин мерос".
20.25 "Қалбимдаги Бобур". Бегали Қосимов.
20.35 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 13-қисм.
21.15 "Бир пиёла чой устида".
21.35 "Қалбимдаги Бобур". Абдулла Орипов.
21.40 "Қишлоқдаги тенгдошим".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Шарқ эстрадаси".
1.20 "Тонг юлдузи"

18.00, 21.50, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 1-серия.
22.05 "Эҳтиром ила..."
22.45 "Спорт-тайм".
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. "Меҳрибонлик".
00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
8.40 "Ёр ва диёр тароналари".
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Бурилиш". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.35 "Баркамол авлод орзуси".
13.00 О.Эргаш. "Дала ўртасидаги дарахт". Видеофильм.
14.10 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув .
14.30 "Тараққиёт йўли".
14.50 "Олис Жанубда". Мультфильм.
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Вақт хазинасидан".
18.15 "Қушдек енгил бўлинг". М.Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.45 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.55 "Дил изҳори".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.40 "Махфий ҳужжатлар". (X-files). Сериал.
23.20 "Спорт-клуб".
23.30 "Вести".
00.00 "Мюзик-холл".
00.20 "Ахборот".
1.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

СЕШАНБА, 15

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Коядаги расмлар".
8.55 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
9.10 Лирик тароналар.
9.40 "Табаррук қадамжолар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 "Камолот сари".
10.50 Кундузги сеанс: "Сеҳрли саргузашт". Бадиий фильм.
12.05 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
12.35 "ТВ патруль".
12.45 "Янги аср болалари".
13.05 С.Зуннунова. "Қайнона". Теленовелла.
13.35 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
14.10 "Ишончли ҳамкор: банклараро телетанлов".
14.30 "Маънавият" дастури.
15.20 "Сирдошим".
15.40 "Мафусаил". Бадиий фильм.
17.25 "Рақслар гулдастаси".
17.40 "Музейдаги учрашув". АҚШ.
18.10 Болалар учун. "Жажжи гўзал".
18.30 "Мен туғилган тупроқ".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.05 "Иқтисод чорраҳаларида".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Зиё".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
21.50 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 1-қисм
22.35 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда — Наманган вилояти.
23.10 "Ахборот".
23.40 "Мимино". Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Кичкинтой театри", Мультгомоша.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Ақл ёшдамас".
10.15 "Мусиқий лаҳзалар".
10.25 "Кинотақдим".
10.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.05 "Дастхат". Илҳом Иброҳимов.
12.25 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 13-қисм.
13.00 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
13.30 "Жаҳон эстрадаси".
14.45 "Мирзо Ғолиб". Телесериал.
15.35 "Жараён".
15.50 "Ёшлар" телеканалида: Теннис.
16.50 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультгомоша".
17.25 "Бу мунис лаҳзалар".
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 "Қадимий Миср". Маърифий дастур.
18.40 "Таянч".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Мунисам".
20.00 "Давр" - интервью.
20.15 "Танишинг: Тоир Қўзиев".
20.30, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 14-охирги қисм.
21.10 "Марду-майдон".
21.30 "Ёшлар овози".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
0.35 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
0.45 "Янги тонг".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мультгўплам.
9.45 "Халқ саломатлиги йўлида".
10.05 "Сен ҳақингда ва сен учун".
10.35 "Спорт-тайм".
10.55 Телегазета "Экспресс".
11.05-12.15 Кинонигоҳ. "Меҳрибонлик".
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.55, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 2-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 "Осойишталик посбонлари".
22.55 "Спорт оламида".
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. "Классик".
1.00 Хайрли тун, шаҳрим!

РЖТ 7.30-9.00

***

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

***

16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
19.00 "Сени излайман".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22:30 "Вести".
23.00 "ТВ-4" да Немис тўлқини.
23.15 Кинематограф. "Биз бўлмасак, ким..." Бадиий фильм.
00.40 "Ахборот" (рус тилида)
1.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЧОРШАНБА, 16

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Шарқ тароналари". Озарбайжон.
9.10 "Бокира туйғулар".
9.30 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.30 Кундузги сеанс: "Эгнар чашмаси". Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 "Мактублар — кабутарлар".
12.35 "Мураббий". Спорт дастури.
12.55 "Қишлоқ ҳаёти".
13.20 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 1-қисм.
14.10 "Мухлис ёхуд қўшиқ изидан". Мусиқий дастур.
14.50 "Жаҳон спорти".
15.05 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
15.25 "Телекутубхона".
15.40 "Осмондан тушган мерос". Бадиий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
18.35 "Иқтисод ва биз".
18.45 "Тилга эътибор".
19.05 "Солиқ ва назорат".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 22.40 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Таълим-тарбия миллий дастури — амалда".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тараққиёт йўли".
21.25 "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
"Умид" намойиш этади:
22.00 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 2-қисм.
22.45 "Уйимдаги бегона". Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 "Ахборот".
00.10 "Уйимдаги бегона". Бадиий фильм. 2-серия.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 11-қисм.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр" - интервью.
10.15 "Янги авлод": "Эркатой", Мультгомоша.
10.50 "2000 йилдан сўнг". Телесериал. 12-қисм.
11.10 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
11.20 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.40 "Мусиқий лаҳзалар".
12.45 "Спектаклдан сўнг".
13.05 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 14-охирги қисм.
13.40 Футбол. 1999 йилнинг энг яхши ўйинлари. "Интер" - "Милан" (Италия).
15.20 "Шарқ эстрадаси".
15.35 "Мирзо Ғолиб". Телесериал.
16.20 "Мунисам".
16.40 "Мусиқий лаҳзалар".
16.50 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
17.50 "Мусиқий лаҳзалар".
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади...
18.25 "Семурғ". Ўсмирлар учун дам олиш кўрсатуви.
18.40 "Ҳамкорлик".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Рақслар қанотида".
19.50 "Далил ва шарҳ".
20.00 "Спорт-лотто".
20.10 "Лаззат".
20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Ракурс".
20.55 "ТВ анонс".
21.00 Сиз севган "Хўжа" гуруҳи.
21.20 "Эркин фикр".
21.50 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
24.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Хит-коллекция".
1.25 "Хайрли тун".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мультгўплам.
9.45 "Туризм ҳақида".
10.15 "Спорт оламида".
10.35 Телегазета "Экспресс".
10.45-12.25 Кинонигоҳ. "Классик".

***

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.00, 22.00, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 3-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 "Хусусийлаштириш: қадамбақадам".
23.05 "Бурч ва масъулият".
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. "Ягуар".
00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

РЖТ 7.30-9.00

***

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

***

16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
18.55 "Инсон ва қонун".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Дурдаршан".
23.20 Кинематограф. "Ўткир ҳийла". Бадиий фильм.
00.55 "Ахборот" (рус тилида)
1.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПАЙШАНБА, 17

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Опера саҳифаларида". Мусиқий дастур.
9.15 "Саломат бўлинг!"
9.30 "Ишқнома". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Болалигим — пошшолигим".
10.35 Кундузги сеанс: "Олти жаҳонгашта". Бадиий фильм.
11.40 "Меҳригиё".
12.05 "Инсон ва замин". Тележурнал.
12.30 "Премьера-2000".
12:50 "Ринг". Спорт дастури.
13.15 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 2-қисм
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 Эстрада тароналари.
14.50 "Юрт ҳақида қўшиқ". Публицистик кўрсатув.
15.15 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.
15.40 "Буни умр дерлар".
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 "Тақдири азал". Бадиий фильм.
17.05 "Мусиқа ва замон".
17.40 "Тинчлик қадри".
18.10 "Фарзанд — умид юлдузи".
18.25 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.40 "Ажаб саодат эрур..." Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.50, 23.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни!". Публицистик кўрсатув.
21.40 "Равзаи жаннат боғи". Мусиқий дастур.
22.10 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 3-қисм.
22.55 "Сомон йўли".
23.30 "Ахборот".
00.00 "Олтин маъбуда". Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади...
9.35 "Мусиқий лаҳзалар".
9.40 "Маҳаллада дув-дув гап".
10.20 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
10.45 "Мусиқий лаҳзалар".
10.50 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.10 "Садо-99" саҳифаларидан.
12.20 Болалар учун фильм. "Бинафшаранг шар".
13.35 "Бобур". Видеофильм.
14.20 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
15.50 "Довюраклар". Телесериал.
16.40 "Янги авлод": "Олтин калит", "Мультгомоша".
17.15 "Бу ҳам кино" Телесериал.
17.40 "Хит-коллекция".
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Ғаройиб Аляска". Маърифий дастур.
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Мутойиба".
20.00 "Давр" - интервью.
20.15, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.20 "Ёшлар" телеканали намойиш этади: "Қабоҳатга қўйилган тузоқ" ("Ўзбектелефильм"). 1-қисм.
21.10 "Бегойим".
21.30 "Баҳс".
21.50 "ТВ-анонс".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Спорт-қитъаси".
1.35 "Хайрли тун".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мультгўплам.
9.45 "Бурч ва масъулият".
10.00 "Яхши кайфият".
10.25 "Моҳир жарроҳлар".
10.45 Телегазета "Экспресс".
10.55-12.30 Кинонигоҳ. "Ягуар".

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 22.00, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 4-серия.
22.15 "Эҳтиром ила".
22.45 "Саховат".
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. "Кўрқув исканжасида".
00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

РЖТ 7.30-9.00

***

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

***

16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Клип-антракт.
18.15 "Каламбур". Юмористик журнал.
18.45 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.10 "Дил изҳори".
19.50 "Ўзбошимча қизлар." Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Соккер-клуб"
23.20 "Кино сайёраси".
23.35 Кинематограф. Джулия Робертс "Ноттинг Хилл" фильмида.
1.35 "Ахборот" (рус тилида)
2.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЖУМА, 18

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Акаиро". Мультфильм.
9.10 "Соз сеҳри". Мусиқий дастур.
9.40 "Нигоҳ". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 "Оналар мактаби".
10.55 Кундузги сеанс: "Шоҳ Султон ҳақида эртак". Мультфильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 "Юксалиш". Видеоканал.
12.45 "Ўзбекистон бастакорлари". Мусиқий дастур.
13.15 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 3-қисм.
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 "Сомон йўли".
14.40 "Уйла! Изла! Топ!" Телемусобақа.
15.20 "Кодекс".
15.40 "Машриқ оҳанглари".
16.00 "Умид-шоу".
16.20 "Йўқолган хазина". Бадиий фильм.
17.45 "Сиҳат-саломатлик".
18.10 Болалар учун. "Ҳикматлар хазинаси".
18.30 "Ҳамкорлик ришталари".
18.50 "Куйла, ёшлигим".
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Рақибингиз — гроссмейстер".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Парламент соати".
21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.10 "Маърифатнома". Имом ал-Мотуридий.
22.35 "Сиднейга йўл". "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири олдидан.
23.00 "Қиёфа". М.Матжонов.
23.30 "Ахборот".
00.00 "Ноёб тур". Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 12-қисм.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр" - интервью.
10.15 "Янги авлод": "Олтин калит", Мультгомоша.
10.35 "2000 йилдан сўнг". Телесериал.
10.55 "Мусиқий лаҳзалар".
11.00 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
11.25 "Ўтган кунлар". Амир Темур.
11.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
13.05 "Мусиқий лаҳзалар".
13.10 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 1-қисм.
13.55 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
15.25 "Уруш ва тинчлик". Бадиий фильм. 4-қисм. "Пьер Безухов".
16.55 "Ҳуқуқ ва бурч".
17.15 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 1-қисм.
18.05 "Янги авлод": "Оқ кабутар", Мультгомоша.
18.40 "Ёшлар ва маънавият".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ - анонс".
19.35 "Саломат бўлинг".
19.55 "Мусиқий лаҳзалар".
20.00 "Аср қиёфаси".
20.20, 21.05, 23.40 Эълонлар.
20.25 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 2-қисм.
21.10 "Талабалик —даврим менинг".
21.30 "Автосалтанат".
21.45 "Соҳибқирон ёди". Амир Темурга бағишланган қўшиқлар.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Ёшлар" телеканалида. "Ринг қироллари".
23.45 Синема. "Шамолларда қолган". 1-қисм.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 Синема. "Шамолларда қолган".
1.35 "Жаҳон эстрадаси".
1.50 "Мунаввар тонг истаб".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мультгўплам.
9.45 "Адабий иқлим".
10.05 "ТВҚ".
10.30 Телегазета "Экспресс".
10.40-12.05 Кинонигоҳ. "Кўрқув исканжасида".

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.55, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 5-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Буч Кессиди ва Санденс Кид".
00.35 "Саодат калити".
1.05 Хайрли тун, шаҳрим!

РЖТ 7.30-9.00

***

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

***

16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Б.С.Н." янгиликлари.
17.15 "Экран зийнати ва қиймати".
17.35 "СНН-шоу".
17.50 "Сизнинг адвокатингиз".
18.05 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Жентльмен-шоу".
18.45 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.10 "Дил изҳори".
19.45 "Мўъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00" Время".
21.55 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Шлягер".
23.20 Кинематограф. "Катта ота". Бадиий фильм.
1.50 "Ахборот" (рус тилида)
1.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ШАНБА, 19

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот"
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Ҳидоят сари".
9.35 Телевизион миниатюралар театри.
10.10 "Ҳаёт чашмалари".
10.30 "Ўзбек спортининг нуфузи".
"Умид" намойиш этади:
10.50 "Шу кунлар шиддати".
11.10 "Билим-ринг".
11.50 "Мен билган, билмаган дунё".
12.10 "Қалб гавҳари".
12.30 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни!" Публицистик кўрсатув.
13.05 "Жаннат". Бадиий фильм. 1-серия.
14.20 "Дўстлик" видеоканали: 1.Меҳрангез. 2.Жетиген.
14.40 "Жаннат". Бадиий фильм. 2-серия.
16.05 "Шода-шода марварид". Мусиқий дастур.
16.35 "Қизиқарли учрашувлар".
17.00 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
18.00 "Миттивойлар оиласи". Кинокўрсатув.
18.20 "Зулфияхоним қизлари".
18.40 "Капитолия майдонидаги суҳбат".
19.05 "Нуқтаи назар".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қишлоқ ҳаёти".
21.30 "Оталар чойхонаси". Мусиқий-дам олиш дастури.
22.30 "Халқнинг кўнгли".
"Спорт дастури":
22.50 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнир кундалиги.
23.20 "Футбол майдонларида".
23.40 "Ахборот".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
00.10 Киноконцерт.
00.25 "Юлдузингни бер, осмон". Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод": "Оқ қабутар", Мультгомоша.
9.50 "Ракурс".
10.10 "Қадимий Миср". Маърифий дастур.
11.00 "Мусиқий лаҳзалар".
11.05 "Федерал полиция". Телесериал.
11.50 "Автосалтанат".
12.05 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
13.05 "Мусиқий лаҳзалар".
13.10 "Баҳс".
13.30 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 2-қисм.
14.15 "Мусиқий лаҳзалар".
14.20 "Ҳайрат".
14.40 "Ёшлар" телеканалида: Теннис.
15.40 "Сир".
16.00 "Мусиқа тегрaсида".
16.20 "Аскар мактублари".
16.40 "Ёш Индиана Жонс ҳаётидан". Телесериал.
17.20 "Мусиқий лаҳзалар".
17.25 "Катта танаффус", "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьераси. 13-қисм.
18.35 "Дилбарим".
18.55 "Олтин мерос".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ - анонс".
19.35 "Аёл қалби". Юлдуз Абдуллаева.
19.50 "Матбуот".
20.00 "Олтин мерос".
20.05, 20.55, 23.20 Эълонлар.
20.10 "Федерал полиция". Телесериал
21.00 "Баҳс, мунозара, таҳлил".
21.20 "Эколаш". Дам олиш кўрсатуви.
21.35 "Кутилмаган меҳмон".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
22.40 "Каталог".
22.50 "Кўнгил кўнгилга пайванд".
23.25 Синема. "Шамолларда қолган". 2-қисм.
1.15 "Хайрли тун".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Болажонлар экрани. "Чипполино".
10.25 "Ишдаги ишқ ёки".
10.45 "Эрта бугундан бошланади".
11.15 "Дўстлик" видеоканали. "Немис шарҳи", "Сахий хонадонда".
12.00 Телегазета "Экспресс".
12.10-13.55 Кинонигоҳ. "Буч Кессиди ва Санденс Кид".

***

17.55 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
18.00 "Ёрилтош". Мультгўплам.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.20 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Эҳтиром ила".
21.25 "Филипп Марлоу". Телесериал. 3-серия.
22.15 "Мисли гавҳар".
22.35 "Даллас". Телесериал.
23.25 "Олам".
23.45 Кинонигоҳ. "Италиякларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари".
1.20 Хайрли тун, шаҳрим!

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Аэробика ҳамма учун".
9.25 "Болалар олами".
10.05 "Кино сайёраси".
10.20 "Инглиз тили Сиз учун".
10.45 "Дурдаршан".
11.05 "СНН-шоу".
11.20 "Биргаликда куйлаймиз".
12.05-13.45 Кинематограф. "Ўтмишдан саёҳат". Бадиий фильм.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 "Бинафша".
17.55 "6х9". Телеўйин.
18.25 "Дил изҳори".
18.55 "Ўйлаб топ!"
19.35 Надежда Румянцева ва Юрий Белов "Бензоколонка маликаси" комедиясида.
21.00 "Время".
21.55 "Эксклюзив".
22.15 "Дил изҳори".
22.55 "Муаллиф".
23.20 "Мюзик-холл".
23.40 Кинематограф. "Суғур куни". Бадиий фильм.
1.10 "Ахборот".
1.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЯКШАНБА, 20

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.00 Жиззах вилояти хонандаларининг концерти.
9.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бухоро".
9.45 "Ғаройибот".
"Умид" намойиш этади:
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Табассум кўчаларида".
11.35 "Шоҳруҳ" клуби.
12.05 "Қалбимиз ардоғида". Мусиқий дастур.
12.45 "Озод юрт одамлари". Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 Кундузги сеанс: Бадиий фильм.
14.35 "Кўзгу". Тележурнал.
15.05 "Сайқал".
15.25 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
16.10 "Бўстон". Тележурнал.
16.40 "Истеъдод". Мусиқий дастур.
17.00 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
18.00 "Эҳ, айиқ полвон". Мультфильм.
18.10 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.35 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
18.55 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Таҳлилнома".
21.05 "Якшанба оқшомида". Мусиқий дам олиш дастури.
"Спорт" дастури:
21.45 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
22.15 "Интерспорт".
22.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.40 "ТВ 1 намойиш этади: Телеанонс". :
23.55 Кино янгиликлари.
00.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
00.30 "Икки соҳил — икки тақдир". Бадиий фильм.
2.15-2.20 Ватан тимсоллари.

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Ёшлар" телеканалида.
9.05 "Янги авлод": "Катта танаффус".
9.45 "Мусиқий лаҳзалар".
9.55 "Ғаройиб Аляска". Маърифий дастур.
10.45 "Ёшлар овози".
11.15 "Федерал полиция". Телесериал.
12.00 "Лаззат".
12.20 "Марду-майдон".
12.40 Сиз севган "Байрам" гуруҳи.
13.05 "Цирк, цирк, цирк".
13.25 Болалар учун фильм. "Қувноқ сеҳргарлик".
14.30 "Ойбулоқ". Маҳмуд Намозов куйлайди.
14.50 "Бир пиёла чой устида".
15.10 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000".
16.00 "Эркин фикр".
16.30 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000".
17.20 "Мусиқий лаҳзалар".
17.25 "Янги авлод" почтаси: "Уй вазифаси", "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьераси. 14-қисм.
18.35 "Дам олиш соати".
19.00 "О, ёшлигим".
19.20 "Толеънома".
19.40 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
20.00 "Давр" ҳафта ичида.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 "Федерал полиция". Телесериал.
21.35 "Якшанбада кўришгунча".
21.55 "Садо—99" (5-босқич)
22.55 "Олам футболи".
23.20 "Садо—99" (давоми)
0.20 "Хайрли тун".

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Болажонлар экрани. "Яшил водий сари".
10.45 "Хусусийлаштириш: қадамбақадам".
11.05 "Ёввойи табиат".
11.55 Телегазета "Экспресс".
12.05-13.40 Кинонигоҳ. "Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари".

***

17.55 "Ойнаи жаҳонда".
18.00 XXI аср авлодлари".
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 Эҳтиром ила".
21.35 "Филипп Марлоу". Телесериал. 4-серия.
22.25 "Тасанно".
22.55 "Даллас". Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. "Ўн учинчи қаллиқ".
1.40 Хайрли тун, шаҳрим!

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Тонг" дастури.
10.35 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.15 "Парле ву франсэ?"
12.40 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
12.50 "Фан-тайм" (Болалар учун инглиз тили)
13.00 Кинематограф. "Уйланишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
14.20-15.05 "Дўстлик" видеоканали. "Дидар", "Айчурек".

***

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 "Тенгдошлар".
17.55 "Интернет ҳудуди".
18.10 Е.Петросяннинг "Кулги панорамаси" дастури.
18.45 Якшанба премьераси. Мел Гибсон ва Жоди Фостер "Кузирли туз картаси" саргузашт фильмида.
21.00 "Дил изҳори".
22.15 "Кинопрофи".
22.35 "Бу ажиб дунё".
22.50 Кинематограф. "Ақл чегараси". Бадиий фильм.
1.00 "Таҳлилнома" (рус тилида)
1.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

КИНО ВА ТВ АҲЛИНИНГ БУЮК УСТОЗИ

(Боши ўтган сонда.)

Қилиб зоҳир бу водининг қироғи,
Қатиқ тоғи нечукким ҳажр тоғи,
Аёғин доғи айлаб руст ерга,
Чекиб бошин фалакка роз дерга,
Фалак вазъин анинг тулони айлаб,
Жаҳон баҳриға лангар они айлаб.

Фалакка бош чўзган тоғлар воқеалар содир бўладиган жойнинг «бетараф» манзаранинг тафсилотлари сифатидагина тасвирланмайди. «Қатиқ тоғи нечукким ҳажр тоғи» дейилади. Тасвирда аввало тоғнинг баҳайбатлиги, қўкларга бўй чўзиб тургани «кўзга ташланади». Тоғ қуйи нуқтадан тасвирланган. Кино ва телеэкранда шу каби тасвирлар эндиликда учраб туради. Бундай нуқта — тасвирлаш нуқтаси кескин қуйи ракурс, деб аталди асримизга келиб. Қуйи ракурсдан кўрсатилганида тоғ кўкка янада баландроқ бўй чўзади. Шоирнинг кўзгудаги тасвирни аниқ тасаввур этиб ижод қилгани сезилиб турибди. Кўзгудаги тоғнинг баҳайбатлигини кўрсатувчи тасвир тоққа ҳужум қилаётган кишилар тимсолини беришга тўсқинлик қилгандек. Шу боис шоир энди ўзгача композиция танлайди. Тасвирлаш (ёки суратга олиш) нуқтаси ўзгаради. Шундагина тоғ бағрида «ясол тортиб» ишлаётган кишилар пайдо бўлади. Кино ва ТВ да бундай кадрлар монтаж йўли билан бир-бирига уланади. Шоир кўзгудаги тасвирнинг ранг-баранглигини таъминлайди, унга янги драматургик «юк» бера боради. Тоғ манзараси ишлаётган кишилар тасвири билан алмашинади. Навоий улар ичидан теша ураётган йигитни алоҳида кўрсатади. Шоир уни таништирмайди, шунчаки «навжавони», «нотавони» деб атайди. Бу йигитнинг портрети ҳозирча йирик планда берилмайди. Кейинчалик биз унинг Фарҳод эканини англаймиз.

Достоннинг кейинги бобларида Фарҳод ана шу чавандозлар билан учрашади. Ўз тақдирини улар билан боғлайди. Фарҳод арман ўлкасига келганида китобхон ёки кўзгу «томошабини» таниши учун ҳам тоғдан тушган бу чавандозларнинг ташқи қиёфаси олдиндан кўрсатилади:

Жабинлар гул-гулу киприклари хор,
Қабоғлар кенг-кенгу оғизлари тор.

Бу кўзгудаги жуда йирик тасвир. Шоир, ниҳоят, чавандоз қизлар даврасидан бир гўзални ажратиб кўрсатади. Бу қизнинг (у Ширин эканлигини шоир ҳозирча айтмайди) гўзаллиги шарқ шеъриятига хос чиройли ўхшатишлар воситасида тасвирланади. Шу билан бирга «кўзгубоп» серҳаракат тасвир ҳам вужудга келадики, бу гўзал қиз тасвири ҳаракатда берилади. У от ўйнатиб кўзгуда намоён бўлади.

Кино, ТВ нуқтаи назаридан қараганда, келтирилган умумий планларни қуйидаги мухтасар йирик план билан солиштириб кўриш мумкин:

Таковар узра елдин оташ ангез,
Ҳамул эл сори сурди ел киби тез.

Бу ерда портретга тавсиф берувчи янги чизиқлар берилган. Шамолдан юзи олов рангига кирган қизнинг қиёфаси яна ҳаракатда — от ариқ қазувчилар томон чопиб бораётган пайтда берилади. Маликанинг гўзаллигини кўрсатиш учун яна бир тасвир (ёки «кадр композицияси») келтирилади. Энди қизни кўриб ҳайратга келган кишилар намоён бўладилар:

Тамошо айлаю ҳар сори боқиб,
Қаёнким боқиб, ўтлар элга ёқиб.

Бу сатрлар кино ёки видео тасмасида акс эттириладиган бўлса, худди шундай ҳол рўй беради: йирик планда ҳар томонга назар ташлаётган қиз ҳамда умумий планда унинг гўзаллигидан ҳайратга тушган ариқ қазувчилар. Шоир турли миқёсдаги планларни бир-бири билан тўқнаштиради. Натижада китобхон (ёки кўзгу томошабини) ундан узлуксиз эстетик завқ олиб боради.

Кўзгудаги тасвир ва кўзгу ҳақидаги ҳикоя Фарҳоднинг Ширин жамолини кўриб ҳушидан кетиши билан тугайди.

Бу сатрлар достоннинг асосий сюжет йўлини ривожлантиришда, унинг бадиий йўналишини белгилашда, образларга тавсиф беришда муҳим аҳамиятга эга. Тоғ ва кўкатлар ўлкаси Навоий тавсифида умумлашган образ даражасига кўтарилади. Худди шу лавҳада ариқ қазувчиларнинг меҳнати таърифланади, аждаҳо ва девлар билан мардларча курашган Фарҳод янги қиёфада — ошиқ йигит қиёфасида илк бор намоён бўлади. Кўзгудаги тасвир ўз дебочасига, аста ривож топиб борадиган лирик-драматик воқеаларга, бадиий ечимига, ўз микрокомпозициясига эга бўлган ихчам, «сиғимли» новелла бўлибгина қолмай, достоннинг кейинги бобларида намоён бўладиган висол онларини, жанг саҳналарини белгилаб берадиган «ўзак» ҳамдир.

Асарнинг бошқа бобларида ҳам кейинчалик кино ва ТВ да ривож топган воситаларни учратамиз. Модомики, буюк Навоий асарларида XX аср санъатларининг унсурлари мўл экан, уларни сидқидилдан ўрганиш, ўзлаштириш назарий фикримизни бойитибгина қолмай, миллий кино ва телевизион санъатларида жўш урган ижодий жараёнга таъсир кўрсатиши шубҳасиздир!

Ҳамидулла АКБАРОВ

Шайхонтоҳур туманидаги 3-мусиқа мактаби пойтахтдаги энг кекса билим ўчоғларидан бири ҳисобланади. Шу боис, бу нуфузли ўқув масканларидан қанчадан-қанча миллий мусиқа асбобларини чалишни мукаммал эгаллаган созандалар етишиб чиқди. Бунда ўқитувчи Сулаймон Хабибуллиннинг ҳиссаси катта. Шу кунларда унинг шогирдлари мусиқа гуруҳларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Суратда: *Сулаймон Хабибуллин шогирди билан мусиқа сирлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.*

Р.АЛБЕКОВ олган сурат.

СИДНЕЙГА ЙЎЛ

Дзюдочиларимиз ҳам бу йилги жаҳон Олимпиада баҳсларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган иштирокчиларнинг сонини кўпайтиришга астойдил бел боғлашган.

Терма жамоамиз вакиллари шу юксак мақсадни амалга ошириш ниятида 11-13 феврал кунлари Парижда «А» гуруҳга кирувчи 50 дан ортиқ мамлакатларнинг сара полвонлари ўртасидаги халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетишди.

— Ҳар йили ўтказиладиган Париж анъанавий халқаро турнирида дзюдочиларимиз биринчи марта қатнашаётир. Ушбу халқаро мусобақанинг аҳамияти шундаки, беллашувларда чемпионликни қўлга киритган вакилларимиз Сидней Олимпиадасига берилажак йўлланма соҳиби бўлишади, - деди республика дзюдо терма жамоаси бош мураббийси Рустам Тўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бўлажак баҳслар спортчиларимиз учун осон кечмайди. Ушбу мусобақа Мюнхенда бўладиган шу каби йўлланмани қўлга киритиш имкониятини берувчи халқаро беллашув ва май ойида Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионати олдидан синов-тажриба вазифасини ўтайди.

Р.Тўраевнинг таъкидлашича, курашчиларимиз Европада ўтаётган халқаро турнирларда чемпион бўлсагина Сиднейга йўл очилади. - Осиё чемпионатида бешинчи ўрин билан кифояланган полвон ҳам шундай имкониятга эга бўлади. Шундан келиб чиқиб, Европага фақат кучли полвонларни юбориб, олимпиадачилар сонини имкон қадар кўпайтириш мақсадини кўзлаганмиз. Табиийки, Осиё чемпионатида дзюдочиларимизда ўринларни банд этиш имконияти катта бўлади.

М.Жумаев, А.Мухторов, Э.Акбаров, К.Муродов, А.Багдасаров каби спортчилар бўлғуси баҳсларда олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб, Сиднейда ҳам юртимиз байроғини юксак кўтаради, - деб ишонч билдирди бош мураббий.

«Туркистон-пресс»

МИЛЛИЙ ЦИРК ТАРИХИДАН

Ўзбек миллий цирк санъати ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Ана шу оммавий кўҳна санъат чаққонлик, маҳорат томошалари янглиғ кўпчилик эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Ўзбек миллий санъати тараққиёти махсус тадқиқотларда илмий йўсинда ўрганилиб, унинг босиб ўтган тарихий йўли кенг ёритилди. Ҳозирда ҳам Ўзбекистон санъатшунослик институти олимлари бу борада қатор тадқиқотларни олиб боришмоқда.

«Ўзбекистон миллий цирки» деган номда ҳам бу оммавий санъат тарғиб этилиши нур устига аъло нур бўлди. «Ўзбекистон маркаси» ҳиссадорлик жамияти томонидан нашр этилган бу маркаларда тасвирланган суратлар мазкур санъат тараққиёти тўғрисида ҳикоя қилади.

Ушбу нашр тўплами 6 та почта маркалари ва 1 та почта блокидан иборат бўлиб, марка номлари ўзбек тилида лотин алифбосида ёзилган.

«Ўзбекистон миллий цирки» маркалари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Зафарли чўққиларни кўзлаб

«ОРОЛ» ОЛИЙ ТАБАҚАДА

Ўзбекистонлик ҳар бир футбол мухлисига яхши маълумки, мамлакатимиз футболида бу йил катта ўзгаришлар содир бўлди. ЎРФФ жойлардаги имкониятларни ҳисобга олиб футболни янада оммавийлаштириш мақсадида олий лигада қатнашувчи жамоалар сонини 20 тага етказди. Ўтган мавсумда олий лигани тарк этган «Сурхон» ва «Янгиер» жамоалари қаторида Навоийнинг «Қизилқум» жамоаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакили «Орол» олий табақада қатнашадиган бўлди. Шу боис бугун Оролбўйи футбол ишқибозларининг қувончи чексиз. Бироқ, «Орол» мухлисларини ҳам, кўпчилик мутахассисларни ҳам бир хавотир ўйлантираётган бўлса, ажабмас: Кечагина биринчи табақада ўртамиёна ўйин кўрсатган «Орол» бугун олий лигада қийналиб қолмасмикан? «Нефтчи», «Дўстлик», «Навбаҳор» ёки «Пахтакор» жамоаларинику-я қўятуринг, «Сурхон», «Гулистон», «Зарафшон» каби ўртамиёна жамоалар билан тенгма-тенг кураш олиб бора оладими?

Шу ва шу каби саволларга жавоб топмоқ илинжида жамоа бош мураббийси Қ.Тўраев билан учрашганимизда у йиллар давомида жамоани чўлғаб ётган муаммолар бугун аста-секин ўзининг ижобий ечимини топаётганлигини билдирди. Унинг таъкидлашича, жамоада иқтисодий етишмовчиликлар барҳам топган. Жамоа ўйингоҳи ва клуб қароргоҳи қайта таъмирланмоқда. Жамоа таркибини бир қатор иқтидорли ўйинчилар билан мустаҳкамлаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Ҳозир Андижоннинг «Андижон» жамоасидан Ш.Абдухўжаев, «Шаҳрихон»дан Д.Досумов, «Зарафшон»дан И.Петров, «Хива»дан А.Колесниченко, МҲСКдан Э.Сатторов, А.Чединовских, «Насаф»дан В.Маврин, «Кимёгар»дан В.Ўрягаев, «Шўртан»дан Л.Сенкевич каби тажрибали футболчилар «Орол» кўригидан ўтишмоқда. Шунингдек, «Навбаҳор», «Нефтчи», «Кимёгар» жамоаларининг баъзи ўйинчилари ҳам янги мавсумда «Орол» таркибида тўп суриши мумкин.

Дарҳақиқат, бугун жамоанинг миллий чемпионатимизда ўз ўйинини, ўз ўрнини топиши учун катта ишлар амалга оширилаяпти. Энг асосийси, бир пайтлар иқтисодий танқислик туфайли майдонга футбол бутсаларисиз тушган «Орол» 21 январдан буён Тошкентда тайёргарлик машғулотларини олиб бормоқда. Қисқа фурсатда бир неча ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказилди. Натижалардан қатъи назар жамоа секин-аста ўз қиёфасига эга бўлмоқда. Ўйлаймизки, жамоа янги мавсумда ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлисларини хушнуд этади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири

Бу қизиқ!

ЁМҒИР ҲАМ ҲАР ХИЛ БЎЛАРКАН

1608 йили Франциянинг Фроманс ҳудудида қизил ёмғир ёғиб, маҳаллий аҳолини ваҳимага туширганди. Ҳатто ўшанда баъзилар, яшашдан умидларини ҳам узишганди. Бироқ, бироздан сўнг ёмғир тўхтаб, халқнинг кўнгли жойига тушганди.

Бундай воқеалар XIX асрда Ғарбий Европада 25 марта такрорланган. XX асрда эса Италия, Греция, Туркия, Венгрияда кузатилган. 1847 йили Франциянинг Чембери ҳудудида оқ ёмғир ёғиб ўтган. Бу воқеа 1956 йили Киевнинг чекка районларида сезилган.

Ғаройиб довуллар ҳатто буғдой каби озиқ-овқат маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга етказиб туради. Масалан, кучли довул Мароккадаги ғалла омборнинг кулини кўкка совуриб, ғалласини Испания дарёсининг қирғоғига олиб бориб тўккан. Буғдойнинг ёмғирдек ёққанини одамлар «Аллоҳнинг ўзи берган насиба» деб ўйлашган.

1904 йилнинг 29 июнида Москвада катталиги муштдай, оғирлиги 400 грамм дўл ёққан. 1926 йилнинг 9 июнида Одесса яқинида ёққан дўлнинг оғирлиги 500 граммга етган. Дўллар темирдай ишланган палаталарни чил парчин қилиб, жониворларни ярадор қилган. 1929 йили 11 майда Ҳиндистонда ёққан дўлнинг диаметри 13 сантиметр бўлиб, оғирлиги бир килограммга тенг бўлган.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Эҳзоз

ЛАРИСА ХВАН МАҲОРАТИ

Таълим тўрт тилда олиб бориладиган мактабда

Туни билан қаршилик кўрсатиб чиққан зулмат парчалари оппоқ тонг зарбасидан чилчил синади. Бугунги тонг унинг учун ғоятда ардоқли. Чунки бугун Ларисанинг туғилган куни. Шунданми, унинг кўзларига уйқу келмади. Кўз ўнгидан сермазмун умр карвони бир-бир ўтди.

Ҳадемай қуёш ўзининг заррин нурлари билан борлиқни нурафшон этади. Нонуштадан сўнг, кимдир ишга, кимдир ўқишга ошиқади. Лариса эса бутун умри давомида бир манзилга мактабга шошган. Илк бор зиё масканига қадам қўйганида у кўзига сеҳрли бир маскан, мўъжизалар ошёни бўлиб кўринган эди. Биринчи ҳисоб дарсидаёқ рақамлар уни сеҳрлаб қўйганди. Ларисанинг назарида дунёдаги бор сеҳр, барча синоат ана шу рақамларда жо бўлгандек. Шунинг учун ҳам у математикани чуқур ўрганишга, бу сирнинг тагига етишга интилади.

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллагандан сўнг Душанбе педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди. Институтни имтиёзли диплом билан битириб, математика соҳасида яхши мутахассис бўлиб етишганди.

Донишмандлардан бири инсон ҳаёти бу абадий сафардан иборат деган экан. Сафар асносида эса у озмунча бекатларни босиб ўтадими? Умр йўллари эса гоҳ баланд, гоҳ паст, бирда текис бўлса, бирда ўнқир-чўнқирлардан иборат. Шунинг учун ҳам бу сафар баъзан бехавотир бўлса, баъзида ғоят машаққатли кечади. Кечагина институтни битирган Ларисанинг ўқитувчилик фаолияти ҳам сип-силлиқ кечмада. Яхшиямки, у ҳали талабалик йилларидаёқ, моҳир педагог, машҳур математик Михаил Кимга шогирд тушган экан. У Ларисадан математиканинг барча сиру асрорларини мукаммал билишга интиларди.

Шундан бўлса керак, у Бектемир туманидаги 55-мактаб (ҳозирги 289-мактаб)да математика ўқитувчиси сифатида иш бошлаганида асло қийналмади. Ўн беш йил давомида бир пайтлар ўзини сеҳрлаб қўйган рақамлар билан тиллашиш сирларини ёшларга меҳр билан ўргатди. Унинг фидойилиги, тиниб-тинчимас мураббийлиги, ўз соҳасининг етук билимдони эканлиги мактаб жамоасининг, ота-оналарнинг, шунингдек, халқ таълими бўлимидагиларнинг ҳам эътиборига тушди. Натижада уни мактаб илмий бўлим нафақат тоғаси, балки қаттиққўл, аммо меҳрибон устози ҳам эди. Бу билимдон ва зукко устозга ўрганиб қолган Лариса Душанбеда ўқиса-да, амалий машғулотлар даврида Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрига тез-тез қатнар, Михаил Кимнинг мудири этиб тайинлашди.

Энди Лариса Хван нафақат болаларнинг севимли мураббийси, балки кўп сонли мактаб жамоасининг ҳам тажрибали устози эди. Турли миллат вакилларидан ташкил топган ўқитувчилар жамоасини бир мақсад сари йўналтириш, уларга услубий ёрдам, зарур бўлганда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш учун кўп ўқиш-изланиш лозим эди. Тиниб-тинчимас Лариса бу ишларнинг уддасидан чиқди шекилли, орадан уч йил ўтиб-ўтмас, уни Рискулов номидаги 290-мактабга раҳбар қилиб сайлашди.

23 миллатга мансуб 1200 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур мактаб республикамиздаги таълим масканларидан ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Аввало, унда таълим ўзбек, рус, қозоқ ва корейс тилларида олиб борилади. Қозоқ тили бўлими учун барча дарслик ва қўшимча адабиётлар Қозоғистон Республикасидан олиб келинади. Бунинг учун эса қозоқ биродарларимиз, у ердаги халқ таълими ходимлари билан доимий алоқа йўлга қўйилган.

Эҳтимол, қўл узатса етгудек жойда жойлашган Қозоғистон билан алоқа қилишда ўнчалик мураккабликлар туғилмас. Аммо корейс тилида таълим олаётган ўқувчилар учун зарур бўлган дарсликлар, қўшимча адабиётлар, техник воситаларни етказиб бериш бирмунча қийинчиликлар туғдириши табиий. Мактаб раҳбарининг узоқни кўзлаб иш олиб бориши натижаси ўлароқ, мактаб барча зарурий ашёлар билан бекаму кўст таъминланди. Ҳозирги кунда мазкур мактаб корейс тилида таълим олиб борилаётган энг яхши тарбия маскани сифатида Корея Халқ таълими вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган.

Лариса Хван ўзининг ўттиз беш йиллик фаолиятида бундай мукофотлар кўп бўлган. Аммо меҳнат фахрийси, «Халқ таълими аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» каби кўплаб унвону нишонлар соҳиби бўлган бу инсон учун энг катта мукофот кўксини безаб турган «Мустақиллик» нишони ва шогирдларининг битмас-туганмас эҳтиромидир.

Саноатхон ҚУРБОНОВА, 290-мактабнинг илмий бўлим мудири.

ИЖОДИЙ САФАРЛАР

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев яратган картиналар кўпчиликка яхши таниш. Атоқли мўйқалам устаси томонидан уюштирилаётган ижодий кўргазмалар жойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Рассомнинг Сурхон воҳаси табиатини, халқи урф-одатини ўзида нафис ифода этувчи асарлари асосида «Сурхондарё одамлари» деб номланган катта кўргазма ташкил этилди. Санъаткорнинг Атлантика океанига Арктика, Сибирга қилган ижодий сафари асосида қатор кўргазмалар юзага келди.

Кейинги йилларда Р.Чориев Европа мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлиб, кўплаб картиналар чизиб қайтди. Италиянинг Амантай шаҳрида мўйқалам ихлосмандлари билан бўлган учрашувлар ҳам рассомга илҳом бахш этди. Шаҳарликлар ўзбек санъаткорини бир овоздан Италия фахрий фуқаролигига қабул қилишди.

А.АЛИЕВ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 114. 1 2 3 4 5 6